



ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУЛЬТИПЛИКАТИВ САМАРАСИНИ БАҲОЛАШ

доц. **Махмудова Азиза**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
«Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети
ORCID: 0009-0003-3406-9225
azizamakhmudova2@gmail.com

Аннотация. Мақолада туризм хизматларини диверсификация қилиш жараёнида экотуризмни ривожлантиришнинг мултипликатив самараси илмий жиҳатдан таҳлил этилган бўлиб, экотуризмнинг мултипликатив самараси туризм хизматларини диверсификация қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қўлланилиши мумкинлиги асосланган.

Калит сўзлар: экотуризм, туристик хизматлар, мултипликатив самара, синергетик самара, самарадорлик, ички туристлар, туристик-рекреацион ресурслар.

ОЦЕНКА МУЛЬТИПЛИКАТИВНОГО ЭФФЕКТА РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА В ДИВЕРСИФИКАЦИИ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ

доц. **Махмудова Азиза**

Самаркандский институт экономики и сервиса,
Международный университет туризма
и культурного наследия «Шелковый путь»

Аннотация. В статье научно анализируется мультипликативный эффект развития экотуризма в процессе диверсификации туристических услуг, исходя из того, что мультипликативный эффект экотуризма может быть применен в качестве одного из приоритетных направлений диверсификации туристических услуг.

Ключевые слова: экотуризм, туристские услуги, мультипликативный эффект, синергетический эффект, эффективность, внутренние туристы, туристско-рекреационные ресурсы.

ASSESSMENT OF THE MULTIPLIER EFFECT OF ECOTOURISM DEVELOPMENT IN THE DIVERSIFICATION OF TOURIST SERVICES

assoc. prof. **Makhmudova Aziza**

Samarkand Institute of Economics and Service,
“Silk Road” International University of Tourism and Cultural Heritage

Abstract. The article scientifically analyzes the multiplicative effect of ecotourism development in the process of diversification of tourist services, based on the fact that the multiplicative effect of ecotourism can be applied as one of the priority areas of diversification of tourist services.

Keywords: ecotourism, tourist services, multiplier effect, synergetic effect, efficiency, domestic tourists, tourist and recreational resources.

Кириш.

Мамлакатимизда туризм соҳасига иқтисодийнинг стратегик сектори мақоми берилиши хизматларни диверсификация қилиш жараёнида ҳам ўзининг натижаларини кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган туристлар асосан тарихий-маданий туризм бўйича ташриф буюрган бўлса, кейинги йиллар мобайнида туризмнинг бошқа турлари, хусусан, зиёрат ва экологик туризм мақсадида хориж давлатларидан ташриф буюраётган туристлар оқимининг ўсиши кузатилмоқда.

Туризм бозори жуда нозик тизим бўлиб, доимий ўзгаришлар ва ноаниқликларга дуч келади, шунинг учун туризм билан шуғулланадиган ҳудудлар инновацион фаолиятни амалга оширишга ва тақдим этилаётган товарлар ва хизматларни диверсификация қилишга мажбур бўлади. Бундан келиб чиқадики, туризмни диверсификация қилиш стратегияси жуда муҳим ва ҳудудни ривожлантиришда уни янада рақобатбардош қилиш имконини беради.

Туризм хизматларини диверсификация қилишда Ўзбекистон ҳудудларининг туристик-рекреацион салоҳиятини баҳолаш ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Туризм фаолиятининг даромадлигини таъминлашда унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали нафақат мазкур ҳудудларда яшовчи, балки бутун мамлакат, шунингдек, бошқа мамлакатлардан ҳам туристларни жалб қилиш бугун устувор вазифалар қаторида турибди.

Ҳудудларнинг туристик-рекреация салоҳиятини ошириш, туризм хизматлари ва рекреация ресурсларининг туристик хизматлар бозоридаги ўрни ҳамда аҳамиятини аниқлаш, ҳудудларнинг туристик салоҳиятини ташкил қилишнинг самарали йўналишлари ва самарадорлигини баҳолаш, туристлар талабини самарали қондиришга қаратилган туризм хизматларини диверсификация қилиш зарурий омилга айланмоқда.

Ҳудудларнинг туристик салоҳияти деганда ушбу ҳудудда туристик фаолиятни ташкил қилиш имконини берувчи мавжуд табиий, маданий-тарихий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар мажмуи тушунилади.

Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда минтақаларнинг туристик салоҳиятини баҳолаш билан боғлиқ масалалар ва соҳада халқаро рақобат муносабатлари кам ривожланган ҳамда мамлакат, ҳудудларининг туризм самарадорлигини универсал баҳолаш усуллари мукамал ишлаб чиқилмаган. Ҳозирда кўплаб тадқиқотчиларнинг минтақаларнинг туризм салоҳияти самарадорлиги масалалари бўйича ўз қарашлари ва баҳолаш мезонлари мавжуд. Шу туфайли олимлар томонидан билдирилган минтақа туристик-рекреацион салоҳиятининг ривожланиш даражасини баҳолаш усуллариининг тахлилини амалга оширдик.

Робинсон, Ушакова (2013) минтақада туризм ва рекреация ривожланишини хусусий ва интеграл кўрсаткичлар асосида баҳолашни назарда тутувчи комплекс баҳолаш усулини қуйдагича таклиф қилади: баҳолаш объектини аниқлаш (туристик-рекреацион ресурслар); баҳолаш субъектларини аниқлаш (туристик-рекреацион ресурс истеъмолчилари ва минтақада ушбу хизмат турларини таклиф этувчи шахслар); баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. Баҳолашнинг ўлчов кўрсаткичлари ва чегараларини аниқлаш; баҳолаш учун зарур бўладиган ахборотларни тўплаш (бирламчи ва иккиламчи ахборотлар); олинган маълумотларни ягона ўлчов бирлигига келтириш. Хусусий кўрсаткичларни аниқлаш; минтақада туризм ривожланишининг интеграл кўрсаткичини аниқлаш. Олинган натижаларни текшириш ва тузатишлар киритиш, уларнинг интерпретацияси.

Джанджугазова (2025) минтақада туристик рекреация хизматлари кўрсатиш орқали эришиладиган иқтисодий нафтлиликни баҳолаш, энг юқори ижобий самара

келтирадиган маркетинг дастурларни ишлаб чиқиш имконини берадиган туристик ресурсларнинг маркетинг усулини қуйдагича таклиф қилади: 1) Туризм ва рекреация турлари ва шакллари аниқлаш ва минтақа аҳолиси учун фойдаланиш имконияти мавжудлигини аниқлаш; 2) минтақага йўналган туристик оқим ҳажми ва унинг тавсифини аниқлаш; 3) минтақанинг туристик бозордаги таклифини ўрганиш; 4) минтақада турмаҳсулотлар талаб ва таклифни шакллантирувчи омилларни аниқлаш ва миқдорий кўрсаткичларда аниқлаш; 5) олинган натижалар асосида минтақада туристик-рекреация хизматлари истеъмолини комплекс тадқиқ қилиш.

Шадская (2024) таклиф қилган интеграл идикаторлар усулида: асосан туризм ва рекреация салоҳиятини баҳолашнинг қуйидаги тўрт гуруҳ индикатори шакллантирилади: иқтисодий, ижтимоий, экологик ва ҳудудда туризм ва рекреация ривожланишини ифодаловчи индикаторларни аниқлаш. Ушбу индикаторлар қуйидагилар: ялпи ички маҳсулот, даромадлар индекси, миллий ва хорижий инвестициялар ҳажми, товар ва хизматлар яратиш, пуллик хизмат турларини кўрсатиш жараёни, кредит рейтинги, асосий фондлар.

Бизнингча ушбу усуллар минтақада туризм ва рекреация ривожланишининг барқарорлигини ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тутган ўрнига баҳо беришда аҳамиятли, деб ҳисоблаймиз.

Сафиуллин, Чикуровалар (2017) кичик ва ўрта шаҳарларда туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самардорлигини аниқлаш усулини таклиф қиладилар, унда ижтимоий кўрсаткичлар сифатида: ижтимоий барқарорлик, туризм ва рекреация хизматларини ривожлантириш натижасида яратилган иш ўринлари сони ва улуши, туризм ва рекреация хизматларининг аҳоли саломатлигига таъсири, логистик сервис даражаси. Иқтисодий кўрсаткичлар сифатида: турлар сони ва туристик кунларнинг ўртача давомийлиги; ташрифлар частотаси (ой давомидаги ўртача ташрифлар сони) инвестициялар ҳажми, соф тушум, соҳа рентабеллиги; лойиҳаларнинг қопланиш муддати, туристик-рекреацион фаолиятдан тушаётган солиқ тушумлари, туристик фаолият туфайли экологик зарарлар. Ҳар бир блок бўйича интеграл кўрсаткичлар таҳлили ва ҳисоби. Бизнингча ушбу усул кичик ва ўрта шаҳарларда туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самардорлигини баҳолаш имконини бериши мумкин.

Усманова (2017) таклиф қилган туристик-рекреацион ресурсларни эксперт баҳолаш усулида: туристик-рекреацион тизимнинг фаолият кўрсатиши ва уни ривожлантириш, самардорлигини оширишдаги меъзонлар сифатида ҳудуд рекреацион ресурсларининг жозибадорлиги олинган. Бизнингча ушбу усул ҳудуднинг туристик-рекреацион ресурслари жозибадорлик омилларини миқдор жиҳатидан баҳолаш имкониятини беради.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли, қиёсий ва омилли таҳлил, илмий абстракция, социологик сўров ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодиётда самардорлик кенг маънода жамият ривожланишининг сифатли томонини тавсифлаб, охириги натижа қандай ресурслар уйғунлиги ёрдамида олинганлигини кўрсатади. Умуман олганда, самардорлик фаолият жараёнида олинган натижанинг (самаранинг) ушбу натижага эришиши билан боғлиқ харажатлар билан таққосланиши орқали ифодаланади.

Туризм бозорини диверсификация қилиш, қабул қилувчи давлатлар томонидан янги ёки ривожланаётган бозорларни эгаллашга қаратилган турли чора тадбирлар, саъй-ҳаракатлар ва ташаббуслар билан бирга олиб борилиши соҳанинг

ривожланишига туртки бўлади. **Ижтимоий тармоқ назарияси** ва **ижтимоий алмашинув назариясига** кўра, туризм бозорини диверсификация қилиш шахслараро алоқалар, шунингдек, ташкилий ва ижтимоий муносабатларни рағбатлантиради (Lee, Kim, 2018). Диверсификация жараёни ижтимоий тармоқларни мустаҳкамлаб, аҳолини ижтимоий ёрдам, ахборот ва ресурслар билан таъминлайди, бу эса барқарор ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади. Туризм бозоридаги хилма-хилликни кенгайтириш орқали ривожланган давлатларидан ривожланаётган мамлакатларга ғоя ва билимлар алмашинуви содир бўлади, бу эса янада зичроқ ижтимоий тармоқларни шакллантиради (Peng, Ranjbar, 2023). **Эндоген ўсиш назариясига** кўра, ижтимоий тармоқлар иқтисодий ўсиш ва унумдорликни оширувчи ғоялар тарқалишини тезлаштиради (Romer, 1990).

Туризм диверсификацияси даражаси ва маҳсулотлари туризм даромадлари ва фаолиятининг барқарорлигини таъминлаши мумкин, чунки бундай стратегиялар куйидаги натижаларга олиб келади: бозордаги йўналишни ўзгартириш, бозордаги таъсир кучини ошириш, мавсумийлик муаммосини бартараф этиш, йил давомида туризмда бандликни рағбатлантириш, хорижий валюта тушумларини барқарорлаштириш ҳамда туризм мавсумини узайтириш. Диверсификация капитал шаклланиши, туризм инфратузилмасига инвестиция киритиш, миқёс иқтисодини шакллантириш ва туризм йўналишининг имижини яхшилашга ёрдам беради.

Туристик субъектларнинг ривожланиши ва уларнинг бозордаги ўрни бевосита уларнинг рақобатбардошлик даражаси ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида мослаша олиш қобилиятига боғлиқ. Айнан туристик корхоналар фаолиятини диверсификация қилиш талабнинг ўзгарувчан тузилмасига тезда жавоб бериш, моддий-техник ва молиявий ресурсларни сақлаб қолиш ва уларни янада самарали қўллаш имконини беради. Диверсификация жараёни бу — корхона тузилмасига турли хусусиятларга эга бўлган янги фаолият турларини қўшишни англатади. Туризм соҳасидаги корхоналар учун самарали диверсификация масаласи долзарб бўлиб қолмоқда, чунки бундай трансформация харажатларни камайтириш, айланма маблағларни шакллантириш ва мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланиш имконини беради.

Мавжуд илмий адабиётларда туризм диверсификациясининг бир қанча жиҳатлари ўрганилган. Жумладан, туризм бозорини диверсификация қилишнинг маданий ва ижтимоий контексти (Turner, 2007), очиқ ҳаводаги спорт турларидан фойдаланиб туризм бозорларини диверсификация қилиш (Perrin-Malterre, 2018) ҳамда балиқчилик туризмидан фойдаланиб туризм бозорини ривожлантириш (Chen, 2010) кабиларни мисол келтириш мумкин. Яқинда эса бошқа тадқиқотлар ҳам пайдо бўлиб, улар **Херфиндахл-Хирсчман индекси** ёрдамида туризм диверсификацияси бўйича маълумотларни шакллантириб, туризм бозорини диверсификация қилишнинг турли жиҳатларини таҳлил қилган. Бу янги тадқиқотларда туризм бозорини диверсификация қилишнинг иқтисодий таъсири (Solarin, Lasisi, 2023) ҳамда унинг сайёҳлар оқимига таъсири ўрганилган.

Бироқ илмий адабиётда ҳали етарлича ёритилмаган мавзулардан бири бу **туризм диверсификациясининг экологик оқибатлари**дир. Ушбу диверсификация атроф-муҳитга икки томонлама таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис экологик таъсирни баҳолаш учун **эмпирик тадқиқотлар** ўтказилиши зарур. Агар янги сайёҳлар экологияси яхши бўлган мамлакатлардан келса ёки экологик жиҳатдан масъулиятли бўлса, унда туризм бозорини диверсификация қилиш экологик емирилишни камайтириши мумкин. Чунки бундай сайёҳлар нафақат истеъмол қилади, балки қабул қилувчи мамлакатларда **барқарор туризм маҳсулотлари ва хизматларини тарғиб қилади** (Peng, Saboori, Ranjbar, 2023a). Диверсификация стратегиясининг атроф-муҳитга фойдали таъсири **“композитсион эффект”** деб аталади. Бироқ,

диверсификация стратегияси натижасида туризм фаолиятининг кучайиши кўпинча **транспорт, сув ресурслари, ичимлик суви, яшаш жойлари ва бошқа туризм билан боғлиқ фаолиятлар учун энергияга бўлган талаб ортиши** билан кечади (Peng, Saboori, Ranjbar, 2023c). Энергия талабининг ортиши эса амалда **ёқилгиларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига** олиб келади (чунки туризм соҳасида қайта тикланадиган энергия манбалари ҳали анъанавий ёқилгилар даражасида самарадор эмас), бу эса **атроф-муҳитга зарар етказилишининг ортишига** сабаб бўлади. Диверсификация стратегиясининг ифлослантирувчи таъсири **“масштаб эффекти”** деб номланади. Шундан келиб чиқиб, биз тадқиқотимизда диверсификация индексини ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи таъсирини ҳам инобатга ҳолда ҳисобладик.

Самарадорлик кўрсаткичи туристик маҳсулотга нисбатан қўлланилганда уни ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча таркибий босқичларини қамраб олади. Барча босқичларда туристик хизматларнинг амал қилишидан олинадиган самарани икки жиҳатдан кўриш мумкин, бу ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш томонидан.

Экотуристтик хизматлар фаолиятдан олинган самарани баҳолаш унинг ижтимоий, бевосита ва билвосита иқтисодий самарасини баҳолаш ва улар-нинг қисқа мазмуни 1-жадвалда акс эттирилган.

1-жадвал

Экотуристтик хизматлар фаолиятдан олинган самарани баҳолаш

Экотуристтик хизматлар субъектлари	Ижтимоий самара	Бевосита иқтисодий самара	Билвосита иқтисодий самара
Ишлаб чиқувчилар (туристик фирмалар, туроператорлар)	Аҳолининг экологик маданиятини ва турмуш даражасини яхшилаш, иш билан бандлар сонининг ўсиши	Экотуристтик хизматлар ва товарлар харид қилишда турист томонидан қилинадиган харажатларнинг ўсиши	Экотуризм билан боғлиқ бўлган турдош тармоқлардан келган қўшимча даромадлар натижасида барча даражадаги бюджет даромадларининг ўсиши
Истеъмолчи туристлар	Соғлиғини яхшилаш, меҳнат қобилиятининг ошиши, маданий эҳтиёжлар ва маънавий қизиқишларнинг қондирилиши	Меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида самарадорлик ва иш ҳақининг ўсиши	Турдош корхона ва ҳудуд даражасидаги хўжалик фаолияти кўрсаткичларининг яхшиланиши

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тадқиқ қилинадиган самара кўрсаткичини баҳолашда асосий эътибор экотуристтик хизматларни ишлаб чиқувчи нуқтаи назаридан самарадорликни ўрганишга қаратилди. Бу самарадорлик туристик индустрия ва у билан турдош бўлган тармоқларнинг ривожланиши билан, туристик марказларда ижтимоий ва ишлаб чиқиш инфратузилманинг кенгайиши, янги иш жойларини яратиш ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий тавсифини ифодалайди.

Туризмнинг минтақа иқтисодиётига бевосита таъсири бу туристлар харажатлари ҳажмидан уларни товарлар ва хизматлар билан таъминлаш учун зарур бўлган импорт ҳажмини чегириб ташлаш билан белгиланади. Туристларнинг пул тўловлари бевосита келиб тушган корхоналар ҳам ўз навбатида маҳаллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг товар ва хизматларини харид қилиш заруратига тўғри келади.

Масалан, меҳмонхоналар, қурувчилар, коммунал хўжаликлар, банклар, суғурта компаниялари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг хизматларидан фойдаланадилар. Шундай қилиб, туристлар пул харажат қилишининг кетма-кет босқичларига таянган иқтисодий самарадорлик билвосита таъсир бўлиб ҳисобланади. Аммо, бу туристларнинг бевосита таъсири вақтидаги барча харажатларини қамраб олмайди, чунки пулларнинг бир қисми импорт ва солиққа тортиш орқали айланишдан чиқиб кетади.

Туристтик-рекреацион ҳудудда туристлар томонидан бевосита ва билвосита харажатлар қилганларида, маҳаллий аҳолида иш ҳақи, ижара пули ва бошқа шаклидаги даромадлар йиғилиб боради. Ушбу қўшимча даромадни маҳаллий аҳоли маҳаллий товарлар ва хизматлар хариди учун сарфлаши мумкин, натижада иқтисодий фаолликнинг янги айланма ҳаракати вужудга келади.

Хулоса ва таклифлар.

Туристтик-рекреацион хизматларнинг самарадорлигини баҳолашда ташриф буюрувчи ёки турист томонидан саёҳат жойига бориш вақтида (ёки ташриф вақтида) ва уларга тайёргарлик кўришда амалга оширилган харажатларни қамраб олувчи “туристик харажатлар” кўрсаткичи хизмат қилади. Туристлар харажатлари тўғрисидаги маълумотлар тўпланадиган ва таҳлил қилинадиган базавий омиллар қуйидагилардан иборат бўлади:

- таркибий элементларга ажратмасдан ягона нарх бўйича реализация қилинаётган хизматлар йиғиндисини акс эттирувчи мажмуали турлар қиймати;

- туристларнинг тур баҳосига кирмайдиган, жойлаштириш, овқатлантириш, трансферт, рекреацион, спорт ва маданий тадбирлар, бозор ва дўконларга ташрифлар, бошқа моддалар (суғурта тўловлари, комисион йиғинлар ва фотосуратларни чоп этиш) харажатлари.

Билвосита таъсир туристларнинг маълум бир вақтда ва маълум бир жойда товарлар ҳамда хизматлар харидига харажатларнинг такрорланиш самарасида акс эттирилади. Бу жараёнда олинаётган самара эса “мультипликация самара” ҳисобланиб, ҳудудда туристик харажатлар айланишига ва такрорланишига боғлиқ равишда кучга киради. Туризм мултипликатори - туризмнинг минтақавий ва маҳаллий даражада турдош тармоқларга таъсир кўрсатиш коэффицентини ифодалайди.

Туристлар томонидан қилинаётган харажатларнинг бевосита ёки билвосита уйғунлашуви маҳаллий иқтисодиётга таъсири билан изоҳланади. Қоидага кўра, туристлар томонидан сарфланган маблағларнинг барчаси ҳам биринчи циклдаёқ сарф бўлиб кетмайди. Унинг маълум қисми жамғарилади ва ҳудуддан ташқарида сарфланади.

Ҳудуд ташқарисида сарфланган маблағлар улуши қанчалик кам бўлса, мультипликатор самараси шунчалик катта бўлади. Туристтик даромадни минтақа доирасида сақлаб қолиш минтақанинг иқтисодий жиҳатдан ёпиқ эканлиги ва маҳаллий иқтисодиётнинг мустақиллик даражасини белгилайди. Агарда минтақавий иқтисодиёт туристлар харид қиладиган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, у ҳолда мультипликатор самараси жуда аҳамиятли бўлади. Бошқа минтақалардан товар ва хизматлар қанчалик кўп импорт қилинса, мультипликатор самараси шунчалик кам бўлади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Chen CL (2010) Diversifying fisheries into tourism in Taiwan: experiences and prospects. *Ocean Coastal Manage* 53(8):487–492.

Lee Y, Kim I (2018) Change and stability in shopping tourist destination networks: the case of Seoul in Korea. *J Destination Mark Manage* 9:267–278.

- Peng YT, Saboori B, Ranjbar O, Can M (2023a) Global perspective on tourism-economic growth Nexus: the role of tourism market diversification. *Tourism Plann Dev* 20(5):919–937
- Peng YT, Saboori B, Ranjbar O, Can M (2023c) The effects of tourism market diversification on CO2 emissions: evidence from Australia. *Curr Issues Tourism* 26(4):518–52.
- Perrin-Malterre C (2018) Tourism diversification process around trail running in the pays of Allevard (Isère). *J Sport Tourism* 22(1):67–82.
- Romer PM (1990) Endogenous technological change. *J Polit Econ* 98(5):71–102.
- Solarin SA, Lasisi TT, Hossain ME, Bekun FV (2023) Diversification in the tourism sector and economic growth in Australia: a disaggregated analysis. *Int J Tourism Res*. <https://doi.org/10.1002/jtr.2593>.
- Turner B (2007) Economic, social, and cultural contexts for market and product diversification of the Lithuanian tourism sector. *Trans Stud Rev* 14:525–542.
- Джанджугазова, Е. А. (2025) Туристско-рекреационное проектирование : учебник для вузов / Е. А. Джанджугазова. — 3-е изд., испр. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, -257 с. (Высшее образование). ISBN 978-5-534-13120-8. Текст: электронный // Образовательная платформа Юрайт [сайт]. URL: <https://urait.ru/bcode/566738> (дата обращения: 04.04.2025).
- Джанчаров Т.М., Кена Ю.Н., Шадская И.Г. (2024) Экологизация воспроизводственных процессов в современных условиях. Журнал "Вестник Алтайской академии экономики и права", N 11 (часть 2), ноябрь.
- Робинсон Б.В., Ушакова Е.О. (2013) "Вопросы повышения эффективности управления региональными ресурсами развития туризма". Вестник СГУГиТ (Сибирского государственного университета геосистем и технологий). Текст научной статьи по специальности «Социальная и экономическая география».
- Сафиуллин Р.Г. Чернуха Д.С. (2017) Критерии оценки уровня и эффективности развития туристско-рекреационного хозяйства региона. Успехи современного естествознания. № 1 С. 84-88 URL: <https://natural-sciences.ru/ru/article/view?id=36346> (дата обращения: 08.09.2025).
- Усманова З.И. (2017) Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматлари тивожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати.